



184

«11» сентябр 2012 йил

№ 156 - ж

ҚАРОР

“AL JIEL” Ўзбекистон - Жанубий Корея қўшма корхонасига ишлаб чиқариш режалаштирилаётган брекитли қўмир маҳсулотини чиқариш цехини қуриш учун ер ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2011 йил 28 май № 121-Қ сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги ПҚ-1590-сонли “2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Самарқанд вилояти ҳокимининг 2012 йил 4 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 январдаги 22-сонли, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастуридаги лойиҳаларнинг 2012 йил учун прогноз параметрлари тўғрисида”ги 20-Қ, сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли “Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида”ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд вилояти ҳокимининг 2012 йил 4 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 январдаги 22-сонли, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастуридаги лойиҳаларнинг 2012 йил учун прогноз параметрлари тўғрисида”ги 20-Қ сонли қарорига асосан шаҳар “AL JIEL” Ўзбекистон - Жанубий Корея қўшма корхонаси томонидан 2012 йилда ишлаб чиқариш режалаштирилаётган брекитли қўмир маҳсулотини чиқариш цехини қуриш учун **4,0 Га** ер майдони ажратиб берилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар “AL JIEL” Ўзбекистон - Жанубий Корея қўшма корхонаси ижрочи директори С.А.Рафиқовга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета хужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш материалларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими:

С.З.Раззоқов.